Ҳунармандчилик

# БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР



**_1918 йилда Тошкентда биринчи бадиий музей ташкил этилди. 1925 йил, 17 март куни миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўлида катта ишларга қўл урилди. Май ойида бадиий маточилик устахонаси ташкил этилиб, қоғозли ва ипакли иплардан мато тўқиш учун ўн уч минг сўм ажратилди. Бу пуллар ўсимлик ва кимёвий бўёқлар, акварель, ишқор, бўр, мўйқаламчалар, резинкалар, гилам тўқиш дастгоҳи, қоғоз кабилардан сотиб олишга мўлжалланди._**

Музейда ташкил топган бадиий маточилик устахонасида Ўрта Осиё халқлари тўқимачилиги асрий анъаналарининг давом эттирилиши қувончли воқеа бўлди. Устахонада маточилик дейилгани билан гилам ва кашталар ҳам тикиларди.

1930 йил, 27 июнда республикамизда яшаб, ижод қилаётган, халқ санъатимизни жон дилдан севган тасвир устаси Вениамин Чубуков музейнинг Шарқ бўлимига шахсий имзоси билан ликопча совға этади. Ликопчада ўзбек деҳқони, мўл ҳосилли жаннатмакон диёримиз манзараси, тўкинчилик фасли тасвирланганди. 1935 йил бошида ушбу бадиий кошона Ўзбекистон Давлат санъат музейи номи билан атала бошланди.

Тошкентдаги Бегларбеги мадрасасидан нақш намуналари олиб келиниб халқ санъати хонаси деворига ўрнатилади.

Халқ санъати бўлими турли ашёлар билан тўлдирилади. 1936 йилда пойтахтимизнинг «Кўкча» даҳасидаги XIX асрда қурилган «Турсун ота» масжиди бузиб ташланганда, ундаги ганч ўймакорлиги, наққошлиги намуналарини музей илмий ходимлари ўз ҳаракатлари билан халқ санъати бўлимига олиб келиб, намойишга қўйишади. Масжидни алоҳида, миллий музейнинг бир чеккасига қандай бўлса шундайлигича тиклашга ҳаракат қилинади.

Айни бир пайтда музей илмий ходимлари ёзаётган «Ўрта Осиё нақш санъати» номли тадқиқот ишлари назарда тутилиб, андижонлик халқ усталари Садриддин Хусайновнинг 700 га яқин қаламтасвир чизмалари ва андозалари сотиб олинади. Музейни санъат намуналари билан бойитиш учун 50 минг сўм ажратилади. Бу пуллар илмий экспедициялар, сотиб олинаётган санъат асарларига сарфланади. Ўша пайтда музейдан алоқасини узмай ишлаётган тошкентлик кулол Муҳиддин Раҳимов республикамиз бўйлаб сафар қилиб, қадимий кулолчилик намуналарини тўплаб, музейга топширади.

Музейнинг миллий санъатига қайси раҳбар бўлсин эътибор бериши шарт эди. Чунки бу нафосат масканининг кўзгуси эди. 30-йиллар охирига қадар музей илмий ходимлари Бухородан матога гул босиш учун ишлатиладиган ёғоч-нақшли қолиплар, Ургутдан мато турлари, Нурота экспедициясидан эса қабр тош-сағаналарини олиб келишади. Кулол Муҳиддин Раҳимов бир сафар Тошкент вилоятидан носқовоқ турларидан топиб, бадиий безак берилганларидан наққошлик хонасига қўйдириши томошабинларда қизиқиш уйғотади. Булардан ташқари Бухоро, Самарқанд, Марғилон ва Тошкент ганчкорлиги, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, зардўзлик намуналари ҳам халқ санъати бўлими хоналаридан ўрин олади.

1946—1956 йилларда музейга раҳбарлик қилган мусаввира Шамсирўй Ҳасанова халқ санъатининг ноёб турларини тўплашга алоҳида эътибор беради. Унинг даврида биргина маточилик санъатининг мингга яқин тури аниқланганди. У халқ — тошкентлик читгар Абдураҳим Абдуғофуров ва унинг ўғли Абдураим Абдураҳимовларнинг босма усулидаги ишларидан бири, оддий бўз матода меҳроб ва ой нусхалари туширилган жойнамозлари, табиат манзаралари акс эттирилган дастурхонлари қабул қилиб олганди. Бу усталар ишларидан ташқари ургутлик ака-ука читгарлар Жунайдулло ва Зикрулло Набиевларнинг нок дарахтидан ишланган маточилик қолипларидан 226 турини музейга олиши читгарлик санъати сирларини мукаммал тушунишда ёрдам берди.

Санъат яратилаверади. Вақтида уларнинг қадрига етиб, таъмирлаб турилмаса сифати бузилиб, томошабинга унчалик завқ бера олмай, бора-бора нафосатини йўқотиб қўйиши мумкин экан. Баъзида турли сабабларга кўра ҳеч кимга кераксиз ҳолга ҳам тушиб қолади, дейишади. Санъатнинг бу сеҳрига тушунган раҳбар Шамсирўй Ҳасанова, ўз вақтида моҳир усталар: академик ганчкор Уста Ширин Муродов, наққош Ёқубжон Раупов, ёғоч ўймакори устаси Абдумалик ота Абдумажидовларни музейга чақиртириб, бир неча кун халқ санъати турларини таъмирлатганди. Улар ўта ҳалол меҳнат қилишганидан бўлса керак ганч намоёнлар, нақш намуналари, ёғоч ўймакорлик санъати турлари ҳамон ўшандай турибди, бошқа таъмирлангани йўқ.

Санъат музейидаги миллий бўлим йилдан-йилга бойиб, эндиликда халқ санъати турлари: кулоллик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, гиламдўзлик, заргарлик, зардўзлик, мисгарлик каби буюм турлари сон жиҳатдан йигирма мингга яқинлашиб қолди.

Музейнинг миллий бўлимидаги ашёлар саргузаштини эсласак: Ҳиндистон, Франция, Америка, Югославия, Польша, Чехословакия, Канада, Япония, шунингдек Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон давлатларида бир неча марта намойиш этилган. Ҳатто, халқ усталаримиздан бири, хивалик Ота Полвонов ёғоч ўймакорликда бажарган устун ва эшигини 1937 йили Парижда очилган Жаҳон санъати халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш эттириб, Олтин медалга сазовор бўлганди. Қўқонлик халқ устаси Қодиржон Ҳайдаровнинг ўйма нақшли саккиз қиррали хонтахта ва ўриндиқлари барчани лол этган эди.

Музейнинг миллий бўлими асрий санъатимиз авлод-аждодларимизнинг мумтоз анъаналари сақланиб, давом этаётганини кўрсатиб туради.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ,*
*санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси.*

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Фарход МУСАЖОН

# ҲУРЛИК НУРИ

**(Ҳикоя)**

***Ушбу асарни кўпдан бери ёзишни ният қилиб юрардим. Ниҳоят Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида ёзиб тугатдим. Ундаги воқеалар эртанги кунимизнинг асоси бўлган ўтган йиллардаги заҳматли йўлларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Ўйлайманки, юрагимдаги туйғуларимни ўқувчиларимга етказа олдим. Улар ҳам ушбу асаримни чин танқидчи кўзи билан ўқиб чиқадилар. Ва охиргиси: ўзимнинг анъанамга содиқ қолиб, янги ҳикоямни севимли «Оқшом» газетамизга тақдим этдим.***
***МУАЛЛИФ.***

Икки суворий худди ким ўзарга ўйнагандек шитоб билан қишлоққа бостириб кирди. Азимбек билан Мирваққоснинг бу қилиғига кўпчилик ўрганиб кетган, фақат баъзи аёллар сира кўника олмасди. Кўча тўла бола, битта-яримтаси от тагида қолиб кетмасайди, деб хавотирланарди.

Азимбек билан Мирваққоснинг шўхлиги асло безорилик аломати эмас, жўшқин ёшликнинг жиловлаб бўлмас ғайрати эди. Аслида ҳар иккови ҳам кўп фаросатли йигитлар эди.

Нозиктаъб, зукко ва зийрак Азимбекнинг кўриниши ҳам феълига мос, хипча ва келишган, мовий кўзлари қуралай, қирра бурун, қалдирғоч қош, хуллас эртаклардаги шаҳзодаларнинг худди ўзи эди.

Мирваққос дўстига нисбатан анча дуркун, сал бесўнақайроқ, елкадор, юз тузилиши йирик, ёноқлари бўртиб чиққан, олакўз, оғзи катта, лаблари қалин, ўзи қоп-қора эди. Муомалада ҳам ҳийла дағалроқ, қўқон манзиратни билмасди. Лекин хулқи яхши, мард ва танти, очиқ кўнгил ва тўғри сўз эди. Аммо пича лақмароқ эди, ким нима деса ишониб кетаверарди.

Кимсан бутун вилоятга донғи кетган Саидғози бойнинг ёлғиз арзандаси Азимбек билан оддий темирчининг фарзанди Мирваққоснинг дўст тутинганини ҳаммани таажжубга соларди.

Саидғозибек ишнинг кўзини билгани учун бой бўлганди. Йўқсилларнинг ризқига асло чанг солмас, аксинча қишлоқ аҳлига отадек ғамхўрлик қиларди. Иккита кўприк, битта масжид қуриб берганди. Етим-есирларнинг ҳолидан муттасил хабар олиб турар, бирор ночор одам кўмак сўраб келса қуруқ қайтармас, аммо қаттиқ койирди, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши, уддабурро бўлиши керак деб тайинларди, бунинг учун нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар ҳам кўрсатарди.

Ҳа, кўнгли бўш сахийлардан эмасди. Ишёқмас ялқовларнинг бурнини ерга ишқаб ишлатарди.

Азимбекка ҳам қаттиқ турарди, ўғлини қийинчилик кўрмай, ипак ойим, тантиқ бўлиб ўсишини истамасди. Шу боис Мирваққос билан дўст тутинишига тўсқинлик қилмади.

Камбағалларнинг туриш-турмушларидан воқиф бўлгани яхши. Кун кечириш оғирлигини кўрсин, шунда ҳаётнинг қадрига етади деб ўйлади. Қолаверса Мирваққос кўнгли тоза ва олижаноб йигит. Унга суянса бўлади. Бой билан йўқсил дўст тутинса одатда бири хўжайин, иккинчиси хизматкорга айланади. Саидғозибекни қувонтирган нарса — ўғли билан Мирваққоснинг муносабатлари тенгликка қурилганди. Бир-бирига шу қадар муштоқ ва муҳтож эдики гўё бири-бирисиз яшолмасди.

Сой бўйидаги сайхонда худонинг берган куни қишлоқ ўспиринлари йиғилиб кураш, сакраш, югуриш бўйича куч синашарди.

Бу беллашувларда аксар Мирваққос билан Азимбек ғолиб чиқарди. Ўғлининг тирсаги ё тиззаси шилиниб келса Саидғозибек хафа бўлмас, аксинча суюнарди. Сабаби чиниқсин дерди.

Чўлоғзи қишлоғидан фақат икки киши — Азимбек билан Мирваққос отда йигирма чақиримча йўл босиб Марғилонга, мадрасага қатнарди.

Гоҳида ўсмирлар туни билан мижжа қоқмай дарс тайёрлашарди. Мана шу ёқмасди Саидғозибекка, гарчи бунга қаршилик қилмаса-да уйқусизлик соғлиқни кемириб қўйиши мумкин, деб хавотирланарди.

Оғайнилар балоғатга етганда мамлакатда ғалағовур бошланди. Халқ орасида Ўзбекистон Русияга қўшиб олинармиш, болшавойлар коммунизм деган нарса қурармиш, унда пул бўлмасмиш, ҳамма тенг — бой-камбағал бўлмасмиш, ер, сув, чорва, ҳатто аёллар ҳам умумий бўлармиш, деган миш-мишлар тарқади.

Авом ўртасида ваҳима ва парокандалик кун сайин авж олаверди. Илгари рус генералларига сотилган бир ҳовуч мансабпарастлар энди ёғли жой илинжида болшавойлар билан тил топишиб, ўз халқига хиёнат қилди, шўролар хизматига ўтди. Лақма ва саводсиз авомнинг айримлари бўлаётган воқеаларнинг туб моҳиятига тушуниб етмай мусоват бўлишига, бой-камбағал бўлмаслигига, ҳар ким ўз ер-сувига эга бўлишига ишониб шўролар томонига оғди. Кимлардир шўровийлар қутқуси билан қизил аскарликка жалб қилинди. Писмиқ минғаймаслар нима бўлишини пойлаб пана-пастқамга яширинди. Аксарият ўз маслаги, ўз раъйи билан мустабид сиёсатга қарши бош кўтарди. Мақсад муқаддас эди: мустақилликка эришиш, миллат манфаати, инсон қадри ва ғурурини сақлаш, шариатни ҳимоя қилиш! Сотқин мансабпарастлар уларни босмачи атаб, халқ душманига чиқарди.

... Ёз чилласининг дим тунларидан бирида Мирваққосларнинг эшиги аста тақиллади. Ҳовлидаги сўрида ётган Мирваққос ҳаммадан олдин уйғонди. Бошқалар безовта бўлмасин учун илдам туриб кўча томон йўналди, бориб эшикни очди. Зимистон бўлишига қарамай остонада турган Азимбекни дарров таниди.

— Ҳа, бемаҳалда нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Кўкчинор тагига йигирма нафарча одам йиғилди, — Азимбек вазминлик билан гапираётган бўлса-да ички ҳаяжони яққол сезилиб турарди, — тоққа йўл олмоқчимиз. Мақсад Бўрихўжа қўрбошининг йигитларига қўшилиб қизилларга қарши урушиш.

Мирваққос сал гангиб қолди. Унинг учун бир нарса аллақачон аниқ: миллат озодлиги, юрт мустақиллиги учун курашишга аҳд қилиб қўйганди. Шунга қарамай босмачи номини олганлар сафига қўшилишга дабдурустдан розилик беришга журъат этмади. Бу ёқда отаси нима дейди, уйдагиларнинг аҳволи не кечади, тўнғич бўлгани учун отасининг ёнига кириб рўзғор тебратгани ёрдамлашяпти, бешта синглиси, учта укасининг ҳали қўлидан ҳеч нарса келмайди.

**(Давоми 4-бетда).**

Матбаа

# ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

***Республика матбуот давлат қўмитасининг яхши ташаббуси билан қўмита тизимидаги ташкилотлар — ижарадаги Тошкент матбаа комбинати, «Ўқитувчи» нашриёти, Янгийўл китоб фабрикаси, «Ўзматбуоттаъминот» бошқармалари ҳомийлигида бу йил ўттиздан зиёд ёш истеъдодларнинг илк китоблари «Истеъдод — 97» умумий номи остида нашрдан чиқарилмоқда.***

Инсон манфаатлари йилида ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрланган ушбу китоблар Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган. Шу жумладан, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти тайёрлаган 16 ёш истеъдоднинг китобидан 10 тасига «Ўқитувчи» нашриёти, 6 тасига ижарадаги Тошкент матбаа комбинати ҳомийлик қилди.

Истеъдодли ёш шоир Ҳумоюн (Акбаров)нинг «Юракдаги рангин камалак» илк китобига кирган шеърларида муаллиф фақат юрагидан ўтказган, ҳис қилган ҳодисалар ҳақида қалам тебратади. Ҳумоюннинг шеърлари самимийлиги билан ўқувчи кўнглига йўл топади. Уларда замондошларимизнинг келажак ҳақидаги ўйлари, дўстлик ва муҳаббат сингари мангу мавзулар ҳақида сўз боради.




Ҳаётдаги ҳар бир воқеага, кишилар тақдирига бефарқ қарамаслик, уларга ўзини ҳам дахлдордай ҳис этиб яшаш — шоирликнинг бошланиши бўлса ажаб эмас. Бунинг учун эса ҳам кўзинг, ҳам қалбинг кўриши, идрок этиши керак. Иброҳим Пайдонинг «Нигоҳинг» тўпламидаги шеърларни ўқиганда, беихтиёр шулар хаёлингдан кечади.

Ғайрат Мажиднинг «Гулсанам» деб номланган китобчасида сиз ёш шоирнинг илоҳийликка хос, муҳаббат ҳақидаги дилбар шеърлари билан танишасиз. Унинг муҳаббат изтироблари, ҳижрон онлари ҳамда висол онларини тараннум этган байтлари қалбларнинг тўридаги ажиб туйғуларни уйғотиши шубҳасиз.

Меҳринисо Ойдинованинг шеърларида муҳаббатнинг қувонч ва изтироблари, эл-юртга, Ватанга садоқат, онанинг куюнчак дардлари, фарзанднинг бурч ва масъулияти каби мавзулар содда, равон мисраларда куйланади. Шоиранинг «Кўклам» мажмуасидаги шеърларнинг шакли ва оҳанглари рангбаранг. Бу оҳанглар беихтиёр шеърхонни бокира нафосат оламига тортиб кетади.

Ёш адиба Дилфуза Қўзиеванинг «Чумчуқ-бола» нашрий тўпламига адибанинг фалсафий-руҳий кечинмаларга бой ҳикоялари жамланган. «... Жувон чақалоғини чўмилтирмоқда. Дарахт тепасида эса чумчуқ чирқиллайди. Сўнг... боланинг елкасидан уч пат ўсиб чиқади. Сўнг... гўдак ғойиб бўлади...» Воқеанинг давомини ушбу тўпламдан жой олган «Чумчуқ-бола» ҳикоясидан ўқиб олишингиз мумкин.

Амир Нарзуллонинг «Журъат соҳили» китоби ҳам диққатга сазовор. Унинг шеърлари ўзининг содда ва самимийлиги билан ажралиб туради. Улардаги нозик қочиримлар, беғубор ҳазил-мутойиба кўнглингизда илиқ акс садо уйғотади. Шу боис сиз беихтиёр шоир сатрларига маҳлиё бўласиз ва унинг яқин суҳбатдошига айланасиз.




Нодир Жонузоқнинг «Томчилар», Юсуфжон Ҳамидовнинг «Кўнгил қуши», Садоқатнинг «Она алласи», Жуманазар Нуримматнинг «Дард», Рўзман Келдиёрнинг «Тулпорим», Анвар Тоғайнинг «Муҳаббат ёғдуси», Мухтор Носирнинг «Юлдузлар қасоси» сингари шеърий мажмуалари сиз азиз китобхонларни мамнун этади деб ўйлаймиз.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

*СУРАТДА: китоблардан намуналар.*

Анжуманлар

# ЯНГИ АСРГА НАЗАР

***XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай келади? Танлаб олганимиз — ислоҳотлар ва янгиланиш йўли қанчалик мураккаб эканлигини англаяпмизми? Биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми? Бу муаммоларга нималарни қарши қўя оламиз?***

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида қўйилган бу саволлар «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ходимлари қалбида ҳам акс садо берди. Бирлашма марказий аппарати ходимларининг махсус йиғилиши ана шу асар муҳокамасига бағишланди.

Музокарада сўзга чиққанлар мамлакатимизда хавфсизликни қандай қилиб сақлаб туриш, барқарорликни нималар ҳисобига таъминлаб, тараққиёт йўлидан собитқадам олға бориш мумкинлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари, Президентимиз алоҳида урғу бериб ёзганидек, минтақамизда барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина мамлакатимиз жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади, деган якдил хулосага келдилар.

Юртимиз санъат аҳлининг ижодий фаоллиги, миллий маданиятимиз ҳамда санъатимизнинг жаҳон саҳнасида янада ёрқинроқ намоён бўлишидаги жонбозликлари бу борада муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

*Наргиза МАШРАБОВА.*

Бандлик

# САЛОМАТЛИК СОВҒАЛАРИ





***Масъулияти чекланган жамият «Протон» илмий-техника корхонаси Бизнес фонд ва «Мадад» суғурта агентлиги билан ҳамкорликда ватанимиз озиқ-овқат саноатида янги йўналишдаги экологик жиҳатдан тоза, тез эрийдиган маҳсулотларнинг янги турларини яратди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

Бундай маҳсулотлар маҳаллий ўсимлик хом ашёлари обдон қайта ишланиши натижасида олинади. Корхона наъматакнинг концентрлашган кукуни, витаминлашган қанд ва қаҳва асосидаги олти турга яқин шундай ичимликларни ишлаб чиқармоқда. Барча маҳсулотлар зудлик билан республика ҳудудида сотиб олинмоқда ва бу маҳсулотлар юртимиз ташқарисига ҳам чиқарилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниялари «Протон»нинг ана шундай тез эрийдиган маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан буюртмалар бермоқда. Бу маҳсулотлар 5 грамм ҳажмида, жажжи пакетчаларга солинган ҳолда жаҳон андозаларига мувофиқ қадоқланган. Бундан ташқари бундай маҳсулотлар дорихоналарга ҳам етказиб берилмоқда, шундай ичимликларни шаҳар бозорларида учратиш мумкин.

Кўриниб турибдики, бундай маҳсулотларга талаб етарли, омборларда ҳам у тўпланиб қолмаяпти. Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасида ҳам худди шундай ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини тан олишди. Ана шу боисдан бундан бир неча ой муқаддам корхонага икки миллион сўм ажратилди. Бу аҳолига керакли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан ташқари «Протон» илмий-техника корхонаси учун янги иш ўринларини ҳам яратар эди. Фаолият бошлангандан бери 24 ўрин ташкил этилди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши муносабати билан яна бир қанча кишини ишга жалб этиш режалаштирилмоқда.

Масъулияти чекланган жамият «Протон» илмий-техника корхонасининг устувор вазифаси аҳоли саломатлигини сақлаш жамоа дастури, янги иш ўринларини яратиш, маҳсулотларни экспорт қилиш, жаҳон андозалари даражасидаги юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборатдир.

*Саид СОЛИЕВ.*

*СУРАТЛАРДА: корхона хизматчиси Анатолий Арутюнов «Протон» маҳсулотлари билан; қадоқлаш участкасида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

